

Бундан буён Буюртмачи деб аталувчи "Ягона Буюртмачи хизмати" ИК номидан Низом асосида иш юритувчи директор **И.Жўраев** ва бундан буён Бажарувчи деб аталувчи "YO'L-LOYIHA BYUROS'I" МЧЖ Андижон вилояти филиали номидан Низом ва 05.01.2022й №2-сонли ишончнома асосида иш юритувчи филиал бошлиғи **М.Закиров**

1. Шартнома предмети

1.1. Буюртмачи Ўзбекистон Республика Президентининг 2018 йил 30 октябрдаги "Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида инвестициявий лойиҳани амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПК-3989-сонли қарорига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ахборот ва коммуникацияларини ривожлантириш Вазирлигининг 2020 йил 8-октябрдаги 23-14/116-сонли хатига асосан Андижон вилоятида Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш Вазирлиги ҳамда Ички ишлар Вазирлигининг "ATLAS International" (Германия) компаниялар гуруҳи билан ҳамкорликда "Ўзбекистон Республикасида йўл ҳаракати қоидалари бузилишини фото-видео фиксация қилишининг автоматлаштирилган тизими" бўйича 100 та объект белгиланган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Андижон вилоятида белгиланган йўл ҳаракати қоидалари бузилишини фото-видео фиксация қилишнинг автоматлаштирилган тизими ва мосламаларини ўрнатиш, 4P-112 Автомобил йўлининг 139-км Олтинкўл туманида жойлашган ҳудуд тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш жойи (мўлжал: "Олтинкўл Агронкисодиёт коллежи" №68) объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишни топширади, Бажарувчи эса ўз зиммасига олади.

1.2. Шартнома лойиҳа-смета ишларини бажариш билан боғлиқ ишларга тузилган.

1.3. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқариш шартнома ғазначиликдан рўйхатдан ўтиб ва буюртмачи томонидан бирламчи ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошланади.

2. Шартнома баҳоси ва тўловлар қоидалари

2.1. Шартноманинг умумий қиймати 06.09.2022 йилдаги 138693 сонли баёнига асосан ҚҚС билан **920 000 (Тўққиз юз йигирма минг)** сўмни ташкил этади.

2.2. Буюртмачи шартномани Ғазначиликдан рўйхатдан ўтказган кундан бошлаб ўн банк кунида шартнома баҳосининг 30% миқдорида аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Ҳар бир босқичда бажарилган ишлар учун жорий молиялаштириш Буюртмачи томонидан тасдиқланган далолатномалар асосида ажратилган аванс маблағи миқдори белгиланган фоиз доирасида ушлаб қолиниб амалга оширилади.

2.4. Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш оралик далолатномалари имзолангандан сўнг 5 банк куни мобайнида Бажарувчига ҳақ тўлашни ўз зиммасига олади.

2.5. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

ишлар қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

3. Томонлар мажбуриятлари

3.1. Бажарувчи ишларни дастлабки маълумотлар ва келишилган график асосида вақтида бажаришни, Буюртмачи билан бажариладиган ишларнинг (босқичларнинг) натижаларини келишишни ўз зиммасига олади.

3.2. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бирламчи маълумотлар ва материалларни Бажарувчининг сўрови асосида тақдим қилади.

3.3. Буюртмачи шартномада кўзда тутилган шартлар ва тартиблар асосида тўловни амалга ошириш, ишларнинг шартномада кўрсатилган ҳажм ва шартларга мувофиқ бажарилишида Бажарувчига ёрдам кўрсатиш, бажарилган ишлардан шартномада кўзда тутилган мақсадларда фойдаланиш, Бажарувчининг розилигисиз шартнома бўйича бажарилган ишларни учинчи шахсга бермаслик ва ундаги маълумотларни таркатмасликни ўз зиммасига олади.

3.4. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ҳақи ўз вақтида ўтказилмаган ҳолда ишларни тугаллаш муддати ҳам тўлов ҳақи кечиктирилган вақтга қадар узайтирилади.

3.5. Ушбу шартнома бўйича Бажарувчи ўз мажбуриятларини сифатсиз бажарса, келишилган қўшимча муддатда, талаб қилинган сифат даражасида ўз ҳисобидан қайтадан бажаради.

3.6. Мазкур шартноманинг 2.4-банди бажарилмаган ҳолда Бажарувчи бухгалтерия ҳисоб-китобларини ўзаро солиштириш далолатномаси ёки бажарилган ишларни топшириш-қабул

килиш далолатномалари асосида Буюртмачининг банкдаги барча турдаги ҳисоб-рақамларидан инкассо талабномаси кўйиш орқали пулни ундиришга тўлиқ ҳақли.

4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби

4.1. Ишлар бажарилишининг алоҳида босқичларида ва шартномада кўрсатилган ишлар тўлиқ бажарилгандан сўнг Бажарувчи томонидан расмийлаштириб Буюртмачига топширилиши керак бўлган ҳисобот хужжатлари топшириш-қабул қилиш далолатномаси асосида Буюртмачига топширилади.

4.2. Буюртмачи ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси ва мазкур шартноманинг 4.1 бандида кўрсатилган ҳисобот хужжатларини олган кундан бошлаб 5 кун мобайнида ишларни қабул қилиш ва Бажарувчига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмаслигининг асосланган рад жавобини юборишни ўз зиммасига олади.

Агар Буюртмачи ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 кун муддат ичида Бажарувчига камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул қилинган ҳисобланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нухасини Бажарувчига қайтариши шарт.

4.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун ичида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт. Ишларнинг тўхтатилиши томонлар учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

4.5. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вақт ўзаро ҳисоб-китоб қилиш вақти ҳисобланади.

4.6. Лозим топилган ҳолларда томонлар ҳолис экспертларга Лойиха бўйича ҳулоса учун мурожаат қилиши ёки қабул комиссияси ташкил қилиши мумкин.

5. Конфиденциал маълумотларни ҳимоялаш

5.1. Ишлар бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиққан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошқор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

6. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

6.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзга келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

6.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Буюртмачи ва Бажарувчи ишларни давом эттириш ёки уларни тўхтатиш учун кандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

6.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

7. Қўшимча шартлар

7.1. Бажарувчи лойихани муддатидан олдин бажарган ҳолда, Буюртмачи уни мазкур шартноманинг 4-моддасига асосан қабул қилади ва тўла тўловни амалга оширади.

7.2. Ўзаро мулоқат йўли билан ҳал қилинмаган муаммолар қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда ҳал қилинади.

7.3. Лойиха-смета хужжатларига давлат экспертиза ҳулосаси оlinиb, ушбу давлат экспертиза ҳулосасига асосан шартнома баҳоси қўшимча келишув асосида ўзгартирилгандан сўнг Бажарувчи лойиха-смета хужжатларини ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси орқали Буюртмачига топширади.

7.4. Бажарувчи мазкур шартномада кўрсатилган ишларни бажариш вақтида ўз имкониятларидан келиб чиқиб, Буюртмачини хабардор қилмаган ҳолда учинчи шахсларни, жумладан юридик ва жисмоний шахсларни мустақил равишда жалб қилиш ҳуқуқига эга.

7.5. Мазкур шартнома бўйича низо келиб чиққан ҳолларда, томонлар келишувга эришмаган тақдирда, қонунларда белгиланган тартибда ва Тошкент шаҳари иқтисодий судида ҳал қилинади.

7.6. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ва ишларни топширганда шартлашилган тўлов кечиктирилган ҳар бир кун учун 0.4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси шартнома нарҳининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

7.7. Бажарувчи томонидан бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар муддати кечиктирилганда Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун бажарилмаган ишлар кийматининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

7.8. Агар Буюртмачининг мазкур шартнома тузилган кун ҳолатига аввалги шартномалар бўйича Бажарувчи олдида қарздорлиги бўлса, Бажарувчи ушбу шартномага асосан тўланган пул маблағларидан энг аввало қарздорликни ушлаб қолишга ва қарздорлик ёйилгандан кейин қолган маблағларни ушбу шартнома бўйича ҳисобга олишга ҳақли.

7.9. Шартномага қуйидагилар илова қилинади:

- Шартнома баҳосини келишув баённомаси (1- илова)

- Бажариш ва молиялаштириш жадвали (2- илова)

7.10. Тўланган пеня ёки жарималар томонларни ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

7.11. Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабргача

7.12. Ушбу шартнома ўзбек тилида икки нусхада тузилди ва бир хил юридик кучга эга.

8. Томонларнинг манзили ва ҳисоб рақамлари

Буюртмачи

"Ягона Буюртмачи хизмати" ИК

Манзил: Андижон шаҳар,

А.Навоий кўчаси №45-уй.

тел/факс:(99874) 223-08-38

ИНН: 200238014 ОКОНХ : 69000

ШХР: 100021860034017039805179070

Марказий Банк Тошкент шаҳар бош

бошқармаси Ўз.Рес.Молия Вазирлиги

х/р:23402000300100001010

МФО:00014



И.Жўраев



М.Закиров

"YO'L-LOYINA BYUROS'I" МЧЖ

Андижон вилояти филиали

Тошкент ш. Мустақиллик шох кўча, 68-уй.

телефон: (99871) 237-38-55

х/р: 2020 8000 8040 1094 1001

АКИБ «Ипотека-Банк»

Яшнобод филиали

МФО: 00959 ИНН: 300 112 785

ОКОНХ: 66000 ОКЭД: 71110

Хукукшунос: _____

2022 йил "9" сентябрдаги
35/2022-сонли шартномага 1-илова

Шартнома баҳосини келишуви

БАЁННОМАСИ

Биз, қуйида имзо қўювчилар: Ўзбекистон Республика Президентининг 2018 йил 30 октябрдаги "Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида инвестициявий лойиҳани амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3989-сонли қарорига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ахборот ва коммуникацияларини ривожлантириш Вазирлигининг 2020 йил 8-октябрдаги 23-14/116-сонли хатига асосан Андижон вилоятида Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш Вазирлиги ҳамда Ички ишлар Вазирлигининг "ATLAS International" (Германия) компаниялар гуруҳи билан ҳамкорликда "Ўзбекистон Республикасида йўл ҳаракати қондалари бузилишини фото-видео фиксация қилишининг автоматлаштирилган тизими" бўйича 100 та объект белгиланган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Андижон вилоятида белгиланган йўл ҳаракати қондалари бузилишини фото-видео фиксация қилишининг автоматлаштирилган тизими ва мосламаларини ўрнатиш, 4P-112 Автомобил йўлининг 139-км Олтинқўл туманида жойлашган худуд тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш жойи (мўлжал: "Олтинқўл Агроиктисодиёт коллежи" №68) объектининг лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш бўйича 2022 йил "9" сентябрдаги 35/2022-сонли шартнома баҳоси ҚҚС билан 920 000 (Тўққиз юз йўнгирма минг) сўмни ташкил қилади.

Ушбу баённома Буюртмачи ва Бажарувчи ўртасида узаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун асос ҳисобланади.

Буюртмачи

"Ягона Буюртмачи хизмати" ИК

Манзил: Андижон шаҳар,
А.Навоий кўчаси №45-уй.
тел/факс:(99874) 223-08-38
ИНН: 200238014 ОКОНХ : 69000
ШХР: 100021860034017039805179070
Марказий Банк Тошкент шаҳар бош
бошқармаси Ўз.Рес.Молия Вазирлиги
х/р:23402000300100001010



И.Жўраев

Бажарувчи

"YO'L-LOYIHA BYUROS'I" MЧЖ

Андижон вилояти филиали
Тошкент ш. Мустақиллик шох кўча,
68-уй. телефон: (99871) 237-38-55
х/р: 2020 8000 8040 1094 1001
АКИБ «Ипотека-Банк»
Яшнобод филиали
МФО: 00959 ИНН: 300 112 785
ОКОНХ: 66000 ОКЭД: 71110



М.Закиров